

бораётган турларни муҳофаза қилишнинг энг самарали усулларида бири кўриқхоналар, миллий хиёбонлар, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғларини яратишдир. Ҳар қандай чоралар кўрилишига қарамасдан айрим йўқолиб бораётган турларни сақлаб қолишнинг ҳозирги вақтда иложи бўлмаётганлиги учун уларни генларини сақлаб қолиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун ҳайвонларни жинсий ҳужайралари ва тана ҳужайралари, тўқималарини консервациялаш усуллари қўлланилмоқда. Уларни консервациялашнинг энг самарали усули – музлатиш (криоконсервация) дир. Генетик инженерияни ривожланиши натижасида йўқолиб бораётган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг нодир генларини ажратиб олиб, уларни бактерияларга киритиб сақлаш, шу тариқада генлар банкини тузиш имконияти туғилди. Криоконсервацияланган генларни кейинчалик қайтадан тиклаш имконияти туғилади.

Муҳофазага муҳтож яъни “Қизил китоб”га киритилган турлар яшайдиган мамлакатлар ҳукуматлари бу турларни муҳофаза қилишда маълум даражада ахлоқий жиҳатдан бутун инсоният олдида жавобгарликни сезиши лозим. Ҳозирда кўпгина мамлакатлар ўзининг “Қизил китоб”ини нашр этиб, ўз ҳудудларида муҳофаза қилиши керак бўлган турларнинг ҳисобини олиб бормоқда.

Мамлакатимиз “Қизил китоб”и икки жилдда нашр этилган. Биринчи жилд умуртқали ҳайвонлар ҳақида бўлиб, 1983 йилда, иккинчи жилди эса ўсимликлар дунёси ҳақида маълумотларга эга бўлиб, 1984 йилда нашр этилган.

Республикамизнинг ҳайвонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги “Қизил китоб” да умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган бўлиб, уларнинг 22 тури сутемизувчилар, 31 тури қушлар, 5 тури кенжа тур судралиб юрувчилар, яна 5 турини балиқлар ташкил этади. Ўлкамизда яқин вақтгача яшаган Турон йўлбарслари ва гепардлар бутунлай йўқолиб кетди. 2006 йилда нашр этилган ва қайта ишланган Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ининг ҳайвонларга бағишланган иккинчи жилди нашр этилди ва унга 184 та ҳайвон тури киритилиб, муҳофазага олинди. Шу жумладан бугунги кунда ноёб ҳайвон сифатида учрайдиган Илвирс, Қизил бўри, Тяншан оқ тирноқли айиғи, Қўнғир айиқ, Кўксуғур, Тяншан тоғ қўйлари каби бир қанча ҳайвон турлари Республикамиз “Қизил китоб”ига киритилган.

Хулоса. Хулоса қилиб биз талаба ёшлар ва жамики инсоният олдида турган бурч, табиат ва жамиятнинг бетакрор хазинаси бўлган тирик табиатни асраш, уни бутунлигича сақлаб келажак авлодга етказишдан иборат.

СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИ РАНГБАРАНГЛИК БЎЙИЧА ЖУФТЛАШНИНГ СЕЛЕКЦИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

**Ф.Шерқулова – магистратура талабаси,
А.И.Иноятов – илмий раҳбар, доцент**

Мавзунинг долзарблиги: Республикамизда умумий ишлаб чиқарилаётган қоракўл териларининг 38-40 фоизини рангли терилар ташкил қилиб, уларнинг 90 фоизга яқинини сур рангли терилар ташкил қилади. Лекин етиштирилаётган сур қоракўл териларининг 30 фоизга яқинини сур рангининг ифодаланиши, контрастлиги ва бир текис тарқалиши бўйича бозор талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари урчитиш жараёнида 5-10 фоиз қора сур кўзиларнинг туғилиши, жами ишлаб чиқилган сур рангли териларда рангдор терилар салмоғининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг юз беришига асосий сабаб, сур қўйлар билан олиб борилаётган насилчилик-селекция ишларини талаб даражасида олиб борилмаслиги, сур қўйларни урчитишга ихтисослашган наслчилик хўжаликларида юқори маҳсулдор насли кўчқорлар етиштиришга бўлган талабнинг ўта пастлигида ҳамда наслчилик хўжаликларининг бошқа турдош хўжаликларни насли материал билан таминланмаслигида деб биламиз.

Бухоро зот типигаги сур қоракўл қўйларининг барра типи, рангбаранглиги ва бошқа муҳим селекцион белгиларининг наслга берилиш хусусиятлари ва уларнинг ўзгарувчанлиги Б.А. Васин (1990) Н.С. Гигенейшвили (1979), И.Н.Дьячков (1980), А.Р. Рахимов (1983),

Т.Умурзоков (1989), С.Ю. Юсупов (1991), А.А.Ибрагимов ва бошқалар (1999), тадқиқотларида ўрганилган.

Қоракўлчиликда оригинал рангбарангликдаги сур қўйлар салмоғини кўпайтириш учун турли рангбарангликдаги қўйларни жуфтлашнинг оптимал вариантларини топиш ва ички ҳамда ташқи бозорни қимматли сур рангбарангликдаги қоракўл терилари билан таминлашнинг селекцион ечимини топиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади: Оригинал рангбарангликдаги сур қўйлар ареалини кенгайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашни таминловчи жуфтлашнинг оптимал вариантини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари: Сур рангли қоракўл қўйларини рангбаранглик бўйича гомоген ва гетероген жуфтлашдан олинган қўзиларнинг сурлик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг бажариш шароити, манбаи ва усуллари: Сур қоракўл қўйларини рангбаранглик бўйича жуфтлаш юзасидан тадқиқотлар Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги “Саҳоба ота” қоракўлчилик наслчилиги хўжалигида ўтказилди.

Тажриба учун қумуш ва тилло рангбарангликдаги совлиқлардан 311 бош совлиқлар танлаб олиниб, сур рангбарангликдаги қумуш ва тилло совлиқлар ярим доира қалами гулли қумуш рангбарангликдаги элита қўчқорлар билан суний уруғлантирилди.

Тажрибадаги совлиқлар бир хил озиклантириш ва сақлаш шароитида сақланди.

Олинган қўзиларнинг “Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (банитировка қилиш) бўйича қўлланма” Тошкент (2015) асосида қуйидаги хусусиятлари ўрганилди:

-қўзиларнинг тери сатҳида сур рангининг бир текис тарқалиши;

-сур рангли қўзилар жун толасининг контрастлиги

-сур рангининг ифодаланиши-

Қоракўл териларининг сифат кўрсаткичлари қоракўлчиликда умум қабул қилинган методикалар асосида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Сур рангли қоракўл қўзилари жун толаси узунлигининг пигментланиши ҳар хил даражада бўлади. Жун толасининг асосида пигментланиш қанча кучли бўлса ва қорамтир асоснинг оқиш учга ўтиши қанча кескин бўлса тери шунча жозибador бўлади.

Тажрибаларимизда рангбаранглик бўйича гомоген ва гетероген жуфтлашдан олинган қўзиларнинг сурлик хусусиятларининг намоён бўлиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сур рангининг тақсимланиши ва жун толасининг оқарган қисмининг узунлиги

Қўзилар- нинг келиб чиқиши	n	Сур рангининг тери сатҳида тарқалиши						Жун толаси оқарган қисмининг узунлиги							
		Аъло		Яхши		Етарсиз		2/10		3/10		4/10		5/10	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
♂ қумуш х ♂ тилло сур	50	11	22,0	18	36,0	21	42,0	12	24,0	25	50,0	12	24,0	1	2,0
♂ қумуш х ♀ қумуш сур	50	17	34,0	25	50,0	8	16,0	6	12,0	12	24,0	19	38,0	6	12,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, рангининг тери сатҳида аъло даражада тақсимланиши гомоген жуфтлашдан олинган қўзиларда 34,0% ни ташкил этган бўлса, гетероген жуфтлашдан олинган қўзиларда бу кўрсаткич 22,0% ни ташкил этиб, гомоген жуфтлашдан олинган қўзиларга нисбатан рангининг тери сатҳида бир текис тақсимланиши 12,0% кам бўлган. Рангининг мақсадга мувофиқ бўлмаган етарсиз даражада тақсимланиши энг кўп даражада гетероген жуфтлашдан олинган қўзиларда кузатилиб, гомоген жуфтлашдан

олинган кўзиларга нисбатан 26,0% кўпроқ олинган. Жун толасининг оқарган қисмининг узунлиги 10/4 ва 10/5 қисмини ташкил қилган кўзилар салмоғи гомоген жуфтлашдан олинган кўзиларда 26,0% ни ташкил этиб, гетероген жуфтлашдан олинган кўзиларга нисбатан 11,0% кўроқ олинган. Жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки бир хил жуфтлашдан олинган кўзиларда, рангнинг аъло даражада ифодаланиши ва жун толаси оқарган қисмининг узунлигикўпроқ бўлган.

Сур қоракўл кўзиларнинг терисининг чиройли бўлиши уларда шу рангнинг намоёнлиги ва жун толасини қорамтил зонасидан оқарган зонасидан айириб турадиган чегарасининг аниқлиги ҳам таъсир кўрсатади. Сур рангининг ифодаланиши ва жун толасининг қорамтир асосдан оқиш учга ўтиш чегараси аниқ (контраст) бўлса тери шунча чиройли бўлади. Аксинча сур рангининг ифодаланиши паст бўлиб, ўтиш чегараси ноаниқ бўлса тери ўз жозибасини йўқотади. Биз ўз тажрибаларимизда келиб чиқиши бир хил ва ҳар хил бўлган кўзиларда сур рангининг намоёнлиги ва оқарган чегарасини аниқлигини ўргандик. Олинган маълумотлар 2-жадвалда мужассамлаштирилган.

2-жадвал

Кўзиларда сур рангининг ифодаланиши ва контрастлиги

Кўзиларнинг келиб чиқиши	n	Сур рангининг ифодаланиши						Контрастлиги			
		очик сур		нормал сур		қора сур		бирдан ўтган (резкий)		асос секин ўтган(смитий)	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
♂ кумуш х ♀ тилло сур	50	3	6,0	29	58,0	18	36,0	11	22,0	39	78,0
♂ кумуш х ♀ кумуш сур	50	13	26,0	31	62,0	6	12,0	28	56,0	22	44,0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, отаси ва онаси кумуш рангбаранг бўлган кўзиларда рангнинг ифодаланиши ва жун толасининг қорамтир асосдан оқиш қисмига ўтадиган чегараси аниқ бўлиши хосдир. Гомоген жуфтлашдан олинган кўзиларда сур рангининг ифодаланиши аъло бўлганларининг салмоғи 26% ни ва яхши бўлганлари 62%ни ташкил этади. Отаси кумуш рангбарангликка онаси эса тилло рангбарангликда бўлган кўзиларда эса бу кўрсаткич тегишлича 6,0 ва 58,0%ни ташкил этди.

Жун толасида ранг контрастдлиги аниқ бўлган кўзилар биринчи гуруҳда 24,0%ни ташкил этган бўлса, гомоген жуфтлашдан олинган иккинчи гуруҳ кўзиларида эса 56,0% ни ёки 34,0%га кўпдир. Олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, отаси ва онаси кумуш рангбаранг бўлган кўзиларда сурлик юқори даоажада ифодаланиб ранг контрастлиги юқори бўлган кўзилар салмоғи ҳам юқори бўлади.

Хулоса.

1. Гомоген жуфтлашдан фойдаланиш, улардан олинган кўзиларда сур рангининг ифодаланишини яхшилайти ва жун толасининг оқарган қисмининг узунлиги ошади.

2. Сур рангли кўйлар билан наслчилик ишини олиб боришда жуфтланадиган кўчқорларда сурли хусусиятларининг ифодаланишига ахамият бериш керак бўлади.

3. Сур рангли кўчқорларни наслга қолдиришда отаси ҳам онаси ҳам кумуш рангбарангликда бўлишига эътибор бериш керак бўлади.

АСАЛНИНГ ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Д.Насимова – магистратура талабаси, С.Муродов – илмий раҳбар, доцент

Анатация. Аҳоли томонидан етиштирилаётган асал истеъмол қилинишидан олдин албатта санитария кўригидан ўтказилиши лозим. Асалнинг қалбакилаштирилиши унинг сақланишида ва истеъмол қилинишида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Асал таркибига ҳар хил аралашмаларни қўшилиши унинг бижғишига, ачишига сифатининг